

<https://ecosphere.press/2021/02/04/zelenaya-ekonomika-glavnyj-trend-novogo-desyatiletia/>

4. Что такое бюджетирование и для чего нужно? : <https://nipkef.ru/about/blog/что-такое-byudzhetrovanie-i-dlya-chego-nuzhno/#2>

5. <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/318763/1/152-157.pdf>

6. <https://www.nbrb.by/bv/pdf/articles/11055.pdf>

7. https://www.norma.uz/uz/novoe_v_zakonodatelstve/v_tashkente_prov_edut_eksperiment_s_mestnym_byudjetom

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ФОЙДА СОЛИҒИ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Мамедова Гузалхон Козимовна

*ТДИУ ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари илмий тадқиқот маркази*

Тижорат банклари мамлакат иқтисодий тизимининг асосий бўғини ҳисобланиб, улар иқтисодий ўсишни таъминлаш, молиявий тизим барқарорлигини сақлаш ва ресурсларни тақсимлашда муҳим рол ўйнайди. Банкларнинг фаолиятини тартибга солишдаги асосий омиллардан бири солиқ тизимидир. Фойда солиғи юридик шахслар, шу жумладан банклар томонидан олинган соф даромаддан давлат бюджетига ўтказиладиган мажбурий тўловдир. Фойда солиғи банкларнинг иқтисодий фаолиятида муҳим кўрсаткич бўлиб, уларнинг даромадларини қайта тақсимлаш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда асосий воситалардан бири саналади. Шу билан бирга, фойда солиғи орқали давлат бюджетининг асосий тушумларидан бири шаклланади. Ушбу тушумлар эса иқтисодиётда давлат томонидан амалга ошириладиган турли лойиҳалар, ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлаш ва инфратузилма ривожлантиришга йўналтирилади.

Фойда солиғи тижорат банклари фаолиятига бевосита таъсир қилади. Фойда солиғининг юқори ставкалари банкларнинг кредит бериш имкониятларини камайтиради. Солиқ юки орқали банклар ўз фойдасининг катта қисмини бюджетга ўтказиши туфайли кредитлаш фаолиятини кенгайтириш имкониятлари чекланади. Бу эса иқтисодиётга берилаётган кредитлар ҳажмининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, агар банк олинган фойдадан анча катта қисмини солиқ тариқасида тўлаши керак бўлса, у ҳолда банк кўпроқ рентабеллиги юқори бўлган соҳаларга ёки паст рискли лойиҳаларга эътибор қаратиши мумкин. Кредит сиёсатининг мувозанатли бўлмаслиги эса иқтисодиёт тармоқлари ўртасида ресурсларнинг нотўғри тақсимланишига олиб келади. Шу сабабли, юқори фойда солиғи ставкалари танловни камайтиради, банкларининг хизмат

кўрсатувчи миждозлар базасини чеклайди, бу эса узок муддатда мамлакат иқтисодиёти учун салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин.

Юқори фойда солиғи банкларнинг инвестициявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Банклар инвестиция дастурларини амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни етарли даражада шакллантира олмайди, бу эса янги молиявий маҳсулот ва хизматларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Чунончи, банклар агар кам фойда билан ишлаши кутилса, янги лойиҳаларга киришишда иккилана бошлайди, чунки янги лойиҳалар билан боғлиқ харажатлар ва улардан кутилаётган фойда ўртасида номутаносиблик пайдо бўлади. Шу тариқа, юқори солиқ ставкалари банкларнинг инновацияларга сармоя киритиш эҳтимолини камайтиради, бу эса молиявий технологиялар (fintech), электрон тўловлар, рақамли банк хизматлари каби соҳалар ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, банкларнинг чет эл инвестиция лойиҳаларида иштирок этиши ҳам маълум даражада чекланади, чунки чет элда нисбатан пастроқ солиқ юки мавжуд мамлакатлар билан рақобат қилиш қийинлашади. Марказий Осиё минтақаси банклари ўртасидаги рақобатни оладиган бўлсак, фойда солиғи ставкалари ҳар хил бўлган мамлакатларда фаолият юритаётган банклар ўз ҳисоб-китобларини мутаносиб равишда амалга оширишади. Натижада юқори ставкали маъмурчиликда ишлайдиган банклар паст ставкали маъмурчиликда ишлайдиган банклар билан рақобатда ютқазиши мумкин.

Фойда солиғининг ортиши банклар молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Банкларнинг даромадлилиги пасайса, капитал етарлилиги ва ликвидлик кўрсаткичлари ёмонлашади, бу эса банк тизимидаги рискларни кучайтиради. Биринчи навбатда, банк капитали етарлилигига солиқ бевосита таъсир қилади, чунки банклар топган соф фойдадан бир қисми капитал базани мустаҳкамлаш учун йўналтирилади. Агар соф фойда ўсиши камайса, банк ўз капиталини зарур даражада ошира олмаслиги мумкин, бу эса банкларнинг юқори рискка эга лойиҳалар билан ишлаш қобилиятини чеклайди. Шу сабабли, юқори солиқлар узок муддатда банк тизими барқарорлигини сусайтириши мумкин.

Банкларнинг ликвидлик кўрсаткичлари ҳам соф фойда ҳажми билан боғлиқ. Агар фойда солиғи ортиши сабабли банкда соф фойда камайса, у ҳолда банк ликвид активларининг бир қисмини тезда айланмадан чиқариб, солиқ учун ажратиши керак бўлади. Шу билан бирга, ликвид активлар камайдигани миждозлар талабларини тезда қондириш қобилиятини пасайтиради. Банк учун ликвидликни таъминлаш энг муҳим масалалардан бири бўлгани сабабли, бу ҳолат иложсиздан нархлаш сиёсатини ўзгартириш ёки миждозларга хизмат кўрсатишда баъзи чеклашлар киритиш эҳтиёжини юзага келтиради.

Ўзбекистонда банклар учун фойда солиғи ставкалари маълум бир давр мобайнида 15-20% даражасида бўлиб, бу кўрсаткич минтақадаги баъзи

мамлакатларга нисбатан юқорироқ ёки ўртачадан биров юқори кўрсаткич ҳисобланади. Мамлакатимизда давлат қарори билан айрим соҳа ёки тармоқларга имтиёзлар берилаётган бўлса-да, банклар учун бевосита фойда солиғи бўйича катта имтиёзлар мавжуд эмас. Шу сабабли, банклар ўз фаолиятида ҳар бир молиявий қарорни қабул қилишда солиқ юки факторини ҳам инобатга олишга мажбур.

Тажриба шуни кўрсатадики, агар банклар ресурсларининг катта қисми солиқ тариқасида чиқиб кетса, уларда янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, кредит маҳсулотларини диверсификация қилиш каби мақсадлар учун кам маблағ қолади. Бу эса мамлакатда кичик бизнес ва хусусий сектор ривожланишига ҳам биров тўсқинлик қилиши мумкин, чунки кичик корхоналар кўпинча банк кредитларига муҳтож бўлади. Агар банклар юқори солиқ юки сабабли кредитлашни чеклашса ёки фоииз ставкаларини оширса, бу кичик бизнес учун иқтисодий самарадорликни пасайтиради.

Бундан ташқари, молиявий технологиялар (Fintech) соҳаси ҳам бевосита банклар билан боғланган ҳолда ривожланади. Агар банклар ўзларининг фойдасини солиқлар туфайли пасайиб бориши натижасида янги технологияларга сармоя ажрата олмаса, бу соҳада ҳам ривожланиш секинлашиши мумкин. Масалан, электрон тўловлар инфратузилмасини яхшилаш, мобиль иловаларни такомиллаштириш, блокчейн асосидаги хизматлар жорий этиш каби лойиҳаларда банклар асосий ўйинчилар ҳисобланади. Фойда солиғи юки бу каби лойиҳаларни кечиктириши ёки умуман амалга оширмаслиги мумкин.

Фойда солиғи тижорат банклари фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан биридир. Солиқ сиёсатининг самарали шакллантирилиши банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга, кредитлаш фаолиятини кенгайтиришга ва иқтисодий ўсишга ҳисса қўшишига имкон яратади. Юқори солиқ ставкалари банкларнинг фойдасини камайтириб, кредитлаш имкониятларини чеклаши, янги лойиҳалар ва инновацияларга сармоя киритишни кечиктириши, ликвидлик ва капитал етарлилиги билан боғлиқ муаммоларни кучайтириши мумкин.

Паст ставка ёки мақсадли имтиёзлар эса, аксинча, банкларнинг рақобатбардошлигини оширади, иқтисодиёт кўламини кенгайтиради ва жаҳон молия бозорларида ўз ўрнини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Ўзбекистонда фойда солиғи бўйича мавжуд амалиёт банклар учун айрим чеклашлар олиб келаётган бўлиши мумкин. Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, хусусий секторни ривожлантириш, чет эл сармояларини жалб қилиш жараёнида банк сектори асосий воситачидир. Агар банклар давлат бюджети талабларини бажариш жараёнида ортиқча солиқ юки ҳис қилиб, иккита асосий вазифа — мижозларни кредитлаш ва ўз инвестиция дастурларини амалга ошириш — ўртасида қолиб кетса, узоқ

муддатда бу иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу сабабли, Ўзбекистонда солиқ сиёсатини такомиллаштириш банк тизимининг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга вазифа ҳисобланади. Солиқ ставкаларини оптималлаштириш, мақсадли имтиёзлар жорий этиш, солиқ тизимида шаффофликни таъминлаш ва халқаро стандартларга мослашиш орқали банклар фаолиятини рағбатлантириш мумкин. Бундай ёндашув банкларини иқтисодий жараёнларда янада фаол иштирок этишига, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тижорат банклари фаолиятига фойда солиғи таъсирини тўғри баҳолаш ва ташкил этиш давлат, банклар ва иқтисодиёт иштирокчилари ўртасида мувозанатни сақлаб қолишда катта аҳамият касб этади. Давлат бюджети учун зарур бўлган даромадни таъминлаш билан бир қаторда банклар мустақиллик даражаси, ликвидлик, инвестициялаш қобилияти, инновацион фаолиятини камайтирмаслик лозим. Солиқ сиёсатининг мослашувчан бўлиши, вақт ўтиши билан бозор талаблари ва халқаро амалиётни инобатга олиб, эволюцион янгиланиши асосида банк сектори ривожини кучайтириш ва умумий иқтисодий фаровонликка эришиш мумкин.

АҲОЛИНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР САЛМОҒИНИ КАМАЙТИРИШ

Рузиев Бахтиёр Салимбоевич

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси*

Мазкур тезисда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали тижорат банкларида муаммоли кредитлар улушини камайтириш масаласи таҳлил қилинади. Молиявий билимлар етарли даражада бўлмаган миждозлар қарз мажбуриятларини бажаришда қийинчиликларга дуч келиши мумкин, бу эса банк тизимида муаммоли кредитлар салмоғининг ортишига сабаб бўлади. Шу сабабли, молиявий таълимни ривожлантириш, кредит маданиятини шакллантириш ва аҳолининг молиявий хабардорлигини ошириш орқали муаммоли кредитларни камайтириш имкониятлари ўрганилади. Шунингдек, халқаро тажриба ва самарали усуллар таҳлил қилиниб, уларни амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар берилган.

Бугунги кунда тижорат банклари учун энг долзарб муаммолардан бири – муаммоли кредитлар салмоғининг ортиши ҳисобланади. Муаммоли кредитлар банк фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиб, молиявий барқарорликка хавф солади ва иқтисодиётнинг ривожланишига салбий